O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 3 APREL ◆ SESHANBA ◆ № 42 (26.744)

ПРЕЗИДЕНТ ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия дунёнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг нуфузли давлатларидан биридир. Айниқса, унинг сўнгги йилларда иқтисодий соҳада қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўлаётир. Германия савдо-сотиқ бўйича дунёда иккинчи, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича учинчи ўринда турибди. Ҳозир жаҳонда бирор давлат йўқки, унга немислар маҳсулоти ёки технологияси кириб бормаган бўлса. Сабаби ГФРнинг юқори сифат ва нозик дид билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари аллақачон харидорлар ишончини оқлаб бўлган. Шунинг учун кўпчилик Германия билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, унинг технологиялари ва тажрибаларига таянган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Унинг ана шундай ҳамкорлари орасида мамлакатимиз ҳам бор.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 2-5 апрель кунлари Германияга амалга оширажак расмий ташрифи олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, бу фикрни яна бир бор тасдиқлади.

— Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигида Германия муҳим ўринни эгаллайди, — деди жумладан давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимиз билан Германия ўртасида барча соҳаларда манфаатли ва ишончли ҳамкорлик қарор топган ва у йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бугун юртимизда немис ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган кўплаб қўшма корхоналар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Германияликларнинг юртимиз иқтисодиётига киритаётган сармояси ҳажми ҳам тобора ортиб бораётир. Шу кунгача элликдан ортиқ йирик қўшма лойиҳа амалга оширилган.

Ташриф асносида Германия раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Музокараларда нафақат иқтисодий, балки сиёсий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг муҳокама қилинади.

Минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний наркотик савдосига қарши курашда Германия кўрсатаётган ёрдам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, икки давлат ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг ҳам аҳамияти катта. Сўнгги йилларда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги тизимидан уч мингга яқин ходим ушбу мамлакатда бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан танишгани ва тажриба орттириб қайтгани эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида шу кунгача давлат ва ҳукумат, шунингдек, вазирликлар даражасида элликдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Президентимизнинг ГФРга буюраётган бу галги расмий ташрифи доирасида яна ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

■ Равшан МАҲМУДОВ, ЎзА мухбири

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ДОН МУСТАҚИЛЛИГИ – ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИДИР

Гулзира ЕРИМБЕТОВА, «Қорақалпоқдонмаҳсулот» акциядорлик уюшмаси бошқарма бошлиғининг бош корхона бўйича муовини:

Каерга борсам — меҳмонгами, тўйгами, дастурхондаги бўрсилдоқ нонларга қарайман — булар менинг корхонамда ишлаб чиқарилган уннинг нони. «Ўзбекистон» нави. Таъми ўзгача. Ўзбекистоннинг хуш бўйи уфуриб туради ундан. Деҳқонларимизнинг, бизнинг, ундан кейин новвой ёки уй бекасининг меҳнати сингган бу нон мен учун алоҳида қадрли.

Беихтиёр ўтган даврларни эслайман. Ўша вақтда ҳам ана шу бош корхона — Нукус ун комбинати директори лавозимида ишлаганман. Комбинатимизга ғалла Россиядан келтириларди. Таъминотчининг қош-қовоғига қараб заводимизда 5-10 кунлаб давом этадиган узилишлар ҳозир бот-бот ёдимга тушади. Тўғриси, шу вақтда ишсиз қолган ишчининг юзига қарашга раҳбар уяларди. Табиийки, бу узилиш аҳолини ун ва бошқа ун маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам ўз таъсирини кўрсатарди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариёқ Юртбошимиз мамлакатимизнинг дон мустақиллигига эришишини энг асосий вазифа қилиб қўйганлари бежиз эмас эканлигини ҳар бир фуқаро тушунади. Шу соҳа одамлари, яъни биз учун эса эркин ишлаш, ўз меҳнати даромадини кўриш, шу билан биргаликда халқимиз учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш имконини туғдирди.

Корхонамизда суткасига 90 тонна ун ишлаб чиқариш, 45 тонна шоли оқлаш имконияти бор.

Бугун биз деҳқон билан бевосита ишлаймиз, бевосита шартнома тузамиз. Қорақалпоқ деҳқонининг шолиси, буғдойи мўл бўлса, бизнинг ҳам косамиз оқаради. Бу манфаатдорлик бизни ҳамиша шартнома шартларини тўғри бажариш, керак бўлса деҳқоннинг, унаётган ҳосилнинг хабарини олиб, дала бошига боришга, деҳқон учун барча шароитларни яратиш, унинг талаб ва таклифлари билан ҳисоблашишга ундайди. Ўтган йил корхонамизда янгидан ишга тушган уруғлик тайёрлаш цехи ана шу ҳаракатлар натижасидир. Бу йил Қорақалпоғистон буғдойзорларида униб турган буғдой уруғликларини ўзимиз тайёрлаб бердик. Бошқа вилоятлардан уруғлик олиш, демакки ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилди. Энди шартнома асосида уюшмаларга буғдой ва шоли уруғлигини ўзимиз тайёрлаб берамиз. Цехимиз суткасига 10 тонна уруғлик тайёрлаш қувватига эга.

Раҳбар сифатида қўл остимдаги ишчи-хизматчиларнинг дунёқараши, ўй-фикрлари билан доим қизиқаман. Албатта, юқорида айтганимдай 5-10 кунлаб узилишларда ҳам, баъзан кеча-кундуз ишлаб ҳам бир хил маош оладиган ишчи билан ҳозирги ишчи ўртасида катта фарқ бор. Ўша ҳозирги ишчининг онги, ўй-фикрлари ҳам бундан беш-олти йил олдингисидан, мустақилликнинг дастлабки йилларидагидан кескин фарқ қилади. Ҳозир у фаолроқ. Ҳозир у кучига, имкониятига ишонади. Корхонани бошқаришда иштирок этиши ўзининг чўнтагига фойда бўлишини билади. Корхонамиз 1994 йил акциядорлик жамиятига айлантирилган, акциядорларимиз, ишчиларимизнинг фаоллиги йил сайин ошяпти. Ҳар сафар бўладиган акциядорлар йиғилишида баҳс-мунозараларни тинглаб ўтириб, оддий ишчи ҳам корхона учун раҳбар даражасида жон куйдираётгани ва бунга савияси, билими, энг асосийси, ҳоҳиши борлигидан қувонаман. Ишчилар янада сифатли маҳсулот чиқариш учун, янада унумлироқ ишлаш учун нима тўсиқ бўлаётгани ҳақида тортинмай айтадилар. Маслаҳатлашиб, биргаликда бартараф этамиз. Бунинг учун имконият, маблағ етарли. Янги ун тегирмони сотиб олдик, омухта ем ишлаб чиқариш цехини реконструкция қилдик. Натижада цех қуввати ошди, суткасига аввалги 20-30 тонна ўрнига 100 тоннагача омухта ем ишлаб чиқариш имкони яратилди. Бу — корхонанинг даромади кўпаяди, ишчининг иш ҳақи ошади дегани.

Мен кўпроқ ўзимдан «Мен мустақилликка нима бердим?» деб сўрайман ва оддий бир раҳбар сифатида қилган ишларим бўйича ўзимга ҳисоб бераман. Жавобларимдан гоҳ қониқиб, гоҳ қониқмай яшайман.

«Мустақиллик менга нима берди?» деган саволга жавоб бериш эса мен учун жуда осон. Уйда мени ҳар куни умр бўйи ўқитувчи бўлиб ишлаган, ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган онажоним шу кунларга шукрона, мустақилликка, тинчликка олқишлар ўқилган дуолар билан кутиб олади. Ҳар куни хонадонимда машҳур футболчи бўлиш ва Ўзбекистон деган буюк давлатнинг номини янада кўтариш орзусидаги ўғилларимнинг янгроқ кулгиси янграйди. Мен ва менинг атрофимдагилар ўзининг эртанги кунига, Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишонадилар.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА

УЮШҚОҚЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини бажариш юзасидан, Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари, шаҳар кенгаши ижроия бюросининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек, шаҳар партия ташкилотининг 2000 йилга белгиланган бюджети ижроси ва 2001 йил учун бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Кун тартибига қўйилган масалалар бўйича ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л.Ғуломов маруза қилди. У шаҳар кенгаши фаолиятидаги асосий йўналиш — мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Маруза юзасидан бўлиб ўтган музокараларда Шайхонтоҳур туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ.Бобохонов, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари С. Салимов, Шайхонтоҳур тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудири, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати С. Бахирдихонов, Собир Раҳимов туман партия кенгаши биринчи котиби А. Саидов, Темир-бетон заводи бошланғич партия ташкилоти котиби А. Ремизов, «Ойбек» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси ва бошланғич партия ташкилоти котиби З. Назаровалар қатнашдилар ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Маърузада ва пленум иштирокчиларининг нутқларида, ҳисобот даврида, Ўзбекистон ХДП шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Пленумда партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов нутқ сўзлади. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ХДПнинг энг йирик ва жанговар ташкилотларидан биридир, деди у. — Уни бу даражага етказиш ва ушбу ҳолатни сақлаб туриш учун қилинаётган ҳаракатлар кўриниб турибди. Лекин, шу билан бирга, қилинадиган ишлар ҳали кўп. Уларни бажариш учун ҳар бир партия бўғини, ҳар бир масъул партия ходими унга юкланган хизмат вазифасини, талаб қиладиган даражада, бажармоғи лозим.

Биринчи котиб, пленум иштирокчилари эътиборини, шаҳар партия ташкилоти барча бўғинлари ишини, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорлари асосида, такомиллаштириш билан боғлиқ, масалаларга қаратди. Шу муносабат билан, у халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи фаолиятини жонлантириш зарурлигини таъкидлади. Зеро, туб ислоҳотларни олиб бориш, аҳоли манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни катта.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти ишида камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳам бор, деди нотиқ. — Партия ташкилотларида сиёсий ва ташкилотчилик ишлари даражасини ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, маҳаллаларда, маданий-маърифий тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак. Партияга, кўпроқ, ёшларни, хотин-қизларни, тадбиркорларни жалб этиш лозим. Ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, қабул қилинган қарорлар бўйича, назоратни кучайтириш талаб қилинади. Ишлаб чиқариш, хўжалик ишларини яхшилаш соҳасида имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Пленум, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов қатнашди.

■ Ўз мухбиримиз

ЯПОНИЯДАН СОВҒА КЕЛДИ

Юртимизда халқ таълими соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айниқса, билимли ва баркамол кадрларни тарбиялаш, Ватанга фидокор инсонларни шакллантириш борасида ўқитувчилар масъулияти юқори экани ҳаммага аён. Шарғундаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 250 нафар иқтидорли ўғил-қизга математика, физика, информатика, техник чизмачилик, инглиз тили фанларини 30 дан ортиқ тажрибали ўқитувчи ва мураббий чуқурлаштирилган режа асосида ўқитаётгани ўз самарасини бермоқда. «Мактаб интернатимизда халқаро андозаларга мос компьютер хоналар, лаборатория, тест ва мониторинг марказлари ҳамда амалий машғулотларга мосланган барча жиҳозлар мавжуд», — дейди ўқув маскани директори Н. Мирзаев. Бундай ҳаракатлар ўлароқ мактаб-интернат ўқувчилари республика олимпиада ва кўрикларида ғолиб бўлишмоқда. Хусусан, уч нафар ўқувчи «Акселс» танлови ғолиби сифатида Америкага йўлланма олиб, ўқишни давом эттирмоқда. Қувончлиси шундаки, Токио шаҳрида ўтказилган расмлар 1-жаҳон танловида иштирок этган 12 нафар ўқувчи фаол деб тан олинди ва уларнинг ҳар бирига Японияда совғалар келди. Билим масканида ёшларнинг имкониятларидан янада кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

■ Тўлқин ЖАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 3 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	166,61
1 Австрия шиллинги	21,87
1 Англия фунт стерлинги	487,03
10 Бельгия франки	74,60
1 Голландия гульдени	136,55
10 Греция драхмаси	8,84
1 Дания кронаси	40,34
1 БАА дирхами	93,13
1 АҚШ доллари	342,04
1 Миср фунти	88,81
10 Испания песети	18,09
100 Италия лираси	15,54
1 Канада доллари	217,26
1 Хитой юани	41,32
10 Люксембург франки	74,60
1 Малайзия рингити	90,02
1 Германия маркаси	153,86
1 Польша злотийси	83,74
1 СДР	431,19
1000 Туркия лираси	0,33
1 Финляндия маркаси	50,61
1 Франция франки	45,88
1 Швейцария франки	197,28
1 ЕВРО	300,93
10 Жанубий Корея вони	2,57
10 Япония иенаси	27,26
1 Россия рубли	11,89
1 Украина гривнаси	63,12

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

КЕМТИК ҚАЛБЛАРГА ЮПАНЧ

Наманган шаҳар Бобур номли истироҳат боғидаги «Абдуғани ҳожи» чойхонаси байрам тусини олди. Бу ерда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан туғма ногирон болалар ота-оналари билан ташриф буюрдилар. Жамғарма ҳиммати билан 15 нафар ногиронга Ўзбекистон – Австрия «Автромалка» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 1 миллион 200 минг сўмлик ногиронлар аравачаси тақдим этилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Иброҳимжон Юсупов топширган совғани олар эканлар, мингбўлоқлик Иброҳимжон Эргашев ва бошқалар ҳадяқдан бошлари осмонга етганини изҳор қилдилар.

Ота-оналар ҳаяжони ўз йўлига, аммо болажонлар қувончи байрамона дастурхон устида ҳам юз-кўзларидан уфуриб турди.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Оммавий ахборот воситаларида Европа давлатларида, шунингдек, республикамизга қўшни мамлакатлар ҳудудида ҳам оқсил касаллиги тарқалгани ва унинг аянчли оқибатлари ҳақидаги ташвишли хабарлар кўзга ташланяпти. Бу хавфли касалликнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олди олинганми, биз ундан қанчалик даражада ҳимояланганмиз? Мухбиримиз давлат ветеринария бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Рустам Тўйчиевга шу саволлар билан мурожаат этди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ОҚСИЛ: ОЛДИ ОЛИНГАНИ МАЪҚУЛ

— Оқсил ўта юқумли, ўткир кечувчи касаллик бўлиб, ўзининг ниҳоятда тез тарқалиш хусусияти билан бошқа турдаги касалликлардан фарқ қилади.

Оқсил билан барча жуфт туёқли ҳайвонлар касалланади. Чорва ҳайвонларидан — қорамоллар, қўйлар ва чўчқалар унга кўпроқ мойил бўлиб, касалликка тез чалинадилар.

Халқаро Эпизоотик Бюро (ХЭБ)нинг расмий маълумотига кўра, айрим Европа давлатларида ҳамда бизга қўшни мамлакатларда бу касаллик қайд қилинди. Оқсил тез тарқалувчан бўлганлиги туфайли ҳозирги кунда унинг бошқа давлатларда ҳам тарқалиш эҳтимоли бор. Республикамизда аввалдан, эпизоотик тадбирлар асосида, оқсил касаллигига қарши профилактик ишлар амалга ошириб борилаётган бўлса-да, қўшни давлатлардаги вазиятни ҳисобга олиб, биринчи навбатда, чегарадош туманлардаги ҳайвонлар эмланмоқда. Чегара постларида назорат кучайтирилди.

Республикада, режага асосан, эпизоотиянга қарши комплекс тадбирлар ўз вақтида ўтказилиши, чегарадаги ветеринария постларида талаб қаттиқ олиб борилганлиги натижасида бу касаллик ҳудудимиздаги ҳайвонлар ўртасида пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

Ўтган йили оқсилга қарши вакцина билан 2022,3 минг бош қорамол ва 1713,1 минг бош майда шохли моллар икки мартадан эмланди. 1999 йилга нисбатан эмлашлар 120-141 фоизга кўп бўлди.

Ҳайвонларни оқсилга қарши тез ва ўз вақтида эмлаш учун махсус буйруқ билан жойларда 780 та гуруҳ ташкил этилди, уларда жами 3832 та ветеринария мутахассислари иш олиб бормоқдалар.

Буфер зоналар сони кўпайтирилди ва у 93 туманни ўз ичига қамраб олди, шу билан бир қаторда улардаги ҳайвонлар сони ҳам кўпайиб, йирик шохли моллар 2518,2 минг бош, майда шохли моллар 4793,0 минг бошга етди.

Эмланган ҳайвонларда иммунитетнинг доимийлиги ва давомийлигига эришиш, унинг барбод бўлишига йўл қўймаслик учун подадаги ҳайвонларнинг камида 80 фоизида мустаҳкам иммунитет мавжуд бўлиши зарур.

Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятининг ҳудудий ҳажми чегараланганлиги, шунингдек, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига бевосита яқинлигини ҳисобга олган ҳолда Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари тўлиқича буфер зона таркибига киритилди.

Республикада эпизоотик ҳолатни барқарорлаштириш учун мол бозорлари ва сўйиш пунктларида назорат кучайтирилди, ветеринария ҳужжатларини текширувчи, клиник текширувдан ўтказувчи ветеринария постлари ташкил этилди. Вилоят, туманлардаги ветеринария лабораториялари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ишини яхшилаш мақсадида лабораториялар раҳбарлари учун шу йилнинг январь ойидан март ойининг биринчи ўн кунлигигача ўқиш ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинаётган ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларини назорат қилиш мақсадида 10 та чегара ветеринария назорати пунктлари, 8 та транспорт ветеринария назорати пунктлари, 178 та вилоятлараро ветеринария постлари фаолияти кучайтирилди.

Касалликка қарши ёлғиз мутахассисларнингина курашиши, барча чора-тадбирларни кўриши ҳудудда касалликнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун етарли эмас. Бунинг учун барча хўжалик, ташкилот, аҳоли биргаликда баҳамжиҳат иш олиб бориш лозим. Шундагина биз эпизоотик барқарорликка эришамиз.

■ Суҳбатдош: Бобо САРОЙИ

«ТЕЗ ЁРДАМ» МАРКАЗИ

Баҳорий шодиёналар Хатирчи тумани касалхонаси ҳузурида фойдаланишга топширилган тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази иш бошлаши билан уйғунлашиб кетди. Қарийб 30 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган бу масканда барча шароитлар муҳайё этилган. Айни пайтда туманнинг М. Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида ҳам ўзига хос қувончли воқеа бўлди. Бу ерда 50 ўринли касалхонанинг фойдаланишга топширилиши ҳамқишлоқларни беҳад қувонтирди.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БОЛАЛАРИМИЗ КУРАШЧИ БЎЛСИН

Янги асрнинг биринчи йили «Оналар ва болалар йили» деб аталгани кўнглимда ҳаяжон уйғотди. Турмуш ўртоғим автофалокатдан ҳалок бўлганда беш бола билан ўзим қолдим. Бутун меҳримни уларга бердим, ўкситмадим. Бири ўқийди, бири ишлайди, бир-бирига меҳрибон. Энг муҳими, эл-юртнинг юмушига яраётганидан севинаман.

Буни шунинг учун айтаяпманки, онг саломат бўлмаса, зурриёд соғлом, авлод баркамол, миллат ва халқ қудратли бўлмайди. Барча оналар қатори юртимизда бу эзгу ишга давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани учун Юртбошимиздан миннатдорман. Янги асрдаги тараққиёт режаларини ана шу тани, қалби соғлом, зеҳни ўткир ёшлар амалга оширадилар.

Яна бир нарсани ғурур билан тилга олмоқчиман. Бугун миллий курашимиз жаҳон майдонига чиқди. Кураш фақат спорт тури эмас, балки у боболар удуми, ҳалоллик, баркамоллик, мардлик мактабидир. Ғурури баланд, пишиқ инсонлар Ватанни кўз қорачиғидай қўриқлайди, унинг шарафини ёяди. Бу ишга озроқ бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан кўнглимиз тоғдек. Нега дейсизми? Ўша биринчи ва иккинчи жаҳон чемпионатида ҳам полвонларимиз бизнинг корхона чеварлари тиккан кураш кийимларини кийиб майдонга тушишди.

■ **Сайёра САТТОРОВА,**
Китоб туманидаги тикувчилик корхонаси раҳбари

ВАТАН УЗРА...

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЭГРИ ЙЎЛ УЗОҚҚА БОРМАЙДИ

2001 йилнинг биринчи чорагида Давлат автомобиль назорати ходимлари қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олдилар ёки фош этдилар?

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНББ тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Анвар Сулаймонхўжаев билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, ДАН ходимлари республикамизнинг барча йўлларида йўл ҳаракати хавфсизлиги маданиятини ҳаётга татбиқ этиш, халқимиз тинчлиги ва осуда ҳаётини сақлаш учун курашмоқдалар. Хабарингиз бор, шу йилнинг 1 мартидан янги таҳрирдаги йўл ҳаракати қоидалари бўйича ишламоқдамиз. Жойларда қоидаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимча маълумотларни ўрганиш қизғин давом этаётир. Халқимиз тинчлиги ва осойишталиги борасида ДАН ходимлари йилнинг ўзида анча ишларни амалга оширдилар. Ўтган давр мобайнида ходимларимиз 220 та гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларни фош этиб, жами 23 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддаларни мусодара қилдилар. Ноқонуний ҳолда қурол-яроғларни олиб юришга доир 30 та ҳолат аниқланди.

— Шу кеча-кундузда ДАН ходимлари томонидан фош этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Яқинда Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳудудида жойлашган «Дарбанд» мунтазам ДАН масканида хизмат ўтаётган Сурхондарё вилояти ИИБ ДАНБ ЙПХ инспектори, милиция старшинаси Э. Норқораев, милиция сержанти П. Пармонов ва инспектор-кинолог, милиция сержанти А. Қурбонов МХХ ходимлари билан ҳамкорликда «Нексия» русумли 19 С 98-08 давлат рақамли автомобилни тўхтатиб «Диана» лақабли ит ёрдамида текшириб кўришганда, автомашина йўловчиси Самарқанд вилояти Ургут тумани фуқароси, 1969 йилда туғилган Шавкат Ғофуровнинг ёнидан 442,4 грамм миқдорида героин гиёҳванд моддаси топилди. Ҳозир бу иш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Мана шу воқеадан бор-йўғи бир неча кун аввал худди ана шу ДАН масканида вилоят ДАНБ ва ЖТСБ ходимлари томонидан Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани «Иттифоқ» жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1960 йилда туғилган Бекдурди Маматов бошқарувидаги «Эсперо» русумли давлат рақами 10 Р 3858 бўлган автомобиль тўхтатилиб, «Артур» лақабли ит ёрдамида текширилганда, машинанинг ёритгич чироғи ичидан 0,46 грамм миқдорида героин гиёҳванд моддаси топилиб, Бойсун тумани ИИБга топширилган.

2001 йилнинг 18 март куни соат 12.00 ларда Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани С. Айний жамоа хўжалиги ҳудудида туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбир вақтида фуқаро Мажидов Амон бошқарувидаги «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами М 7550 СН бўлган автомобиль тўхтатилиб текширилганда, унинг йўловчилари Ургут шаҳар Увайсий кўчаси, 14-уйда яшовчи, 1974 йилда туғилган А. Сатторов, Тойлоқ тумани «Жумабозор» жамоа хўжалигида яшовчи, 1966 йилда туғилган Б. Аҳмедов ва Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи, 1976 йилда туғилган Фахриддинова Тамараларга тегишли бўлган хўжалик сумкаси ичидан 2 кг. 815 грамм миқдорида қорадори гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб, Тойлоқ тумани ИИБга топширилган.

■ **Маҳмуд БЎРОН**
суҳбатлашди

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Уйчи туман кенгаши, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси туман кўмитаси билан ҳамкорликда, теннис бўйича, мусобақа уюштирди. Унда, қишлоқ хўжалиги тизимидаги жамоалардан саралаб олинган ишқибозлар ўртасидаги, туман машина-трактор парки ходими А. Эгамбердиева биринчи ва Беруний номли ширкат хўжалиги аъзоси Х. Умаров иккинчи ўринни эгаллади.

* * *

Мингбулоқ туман партия кенгаши, Наврўз айёмида, турли қизиқарли тадбирлар ва спорт мусобақаларида иштирок этган болалар боғчалари тарбиячи ва тарбияланувчиларини алоҳида рағбатлантириб, уларга эсдалик совғаларини топширди.

* * *

ХДП Наманган шаҳар кенгаши, шаҳардаги меҳнат жамоалари, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўтказилган, Наврўз тантаналарида фаол иштирок этди. Фахрийлар, моддий ёрдамга муҳтожларни йўқлаш, совға-саломлар билан сийлаш ташкил этилди. Чунончи, кенгаш раҳбарлари, 49-сон махсус мактаб-интернатида ташкил этилган, тадбирда, 3 нафар ўқувчига, Халқ банкининг шаҳар бўлимида махсус очилиб, пул маблағлари қўйилган, омонат дафтарчаларини топширдилар.

Наврўз байрамига бағишланган, шу каби, тадбирлар, ХДП Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст, Наманган ва Чортоқ туман кенгашлари масъул ходимлари фаол иштирокида, ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қамаши туман кенгаши, «Камолот» жамғармаси ва ички ишлар бўлимлари, ҳамкорликда, мактабда, ўқувчилар ўртасида, «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида, кўрик-танлов ўтказдилар. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад — ёшларнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантиришга, келажакда баркамол инсонлар бўлиб етишишларига самарали ҳисса қўшишдан иборатдир. Танловда Ғ. Ғулом номли мактабнинг «Ҳақиқат» гуруҳи ғолиб, деб топилди. Ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Худди шундай тадбирни ХДП Жондор туман кенгаши ҳам, тумандаги 19-ҳунар-техника билим юртида, ташкиллаштирди.

* * *

Китоб тумани ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» жамғармаси маҳаллий бўлими, ҳамкорликда, «Она ва бола йили» муносабати билан, маҳаллалар ўртасида «Намунали оила» кўрик-танловини ўтказдилар. Мазкур кўрик-танловда, ўзларининг ибратли жиҳатларини моҳирона кўрсата олган, «Санам» маҳалласида яшовчи, Тўра Туронов оиласи 1-ўрин, «Гулистон» маҳалласида яшовчи, Зокир Қодиров оиласи 2-ўрин, «Тошкент» маҳалласида яшовчи, Саиджон Абдурахмонов оиласи 3-ўрин соҳиблари бўлишди.

Ғолибларга туман партия кенгаши ҳамда ҳомийларнинг совғалари берилди.

* * *

ХДП Бухоро туман кенгаши, Наврўз арафасида, байрам дастурхони ёзиб, унга 23 нафар етим болаларни ҳам таклиф этди. Туман ҳокими Н. Пўлатов, ХДП вилоят кенгаши котиби Б. Муҳиддинов, Ногиронлар жамияти туман бўлими раиси С. Очиловлар йиғилганларни табриклашдилар. Туман партия кенгаши биринчи котиби Саида Жўраева болаларга, ҳомийлар номидан, кийим-кечак ва совғаларни топширди.

* * *

ХДП Жондор туман кенгашининг, партия Марказий Кенгаши III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокамасига бағишланган, пленуми бўлиб ўтди. Пленум якунида, туманда, ХДП фаолиятини яхшилашда катта ҳисса қўшган партия ташкилотлари ҳамда фаоллар моддий рағбатлантирилди, партияга янги қабул қилинганларга аъзолик билетлари топширилди.

* * *

Пешку туман партия кенгаши, ХДП рўйхати бўйича, Олий Мажлис депутатлигига сайланган Т. Баҳронов ҳомийлигида, Наврўз байрами арафасида, дастурхон ёзиб, унга 120 дан зиёд фаоллар ва фахрийларни таклиф этди. 20 нафар кўп болали, кам таъминланган оилаларга совғалар улашилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳматжон Қурбонов ва Феруза Солиҳоваларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.

* * *

ЎзХДП Қуйичирчиқ тумани кенгаши, туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими билан биргаликда, тумандаги 15 нафар қаровчисиз, кекса ва ногирон кишиларни Наврўз байрами билан кутлаб, уларга совғалар улашдилар. Шунингдек, туман партия кенгаши ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси 5 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдилар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши ташаббуси билан, «Ватаннинг ҳар бир қарич ери муқаддасдир!» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказилди. Учрашувга муқобил хизматни ўтаётган шаҳарлик йигитлар ҳам таклиф этилдилар. Суҳбат чоғида диний экстремизм, халқаро терроризм, ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик муаммоларига алоҳида урғу берилди. Тадбирда Тошкент вилояти ва Оҳангарон шаҳар мудофаа ишлари бўлими масъул ходимлари иштирок этдилар.

* * *

2000 йилда, пилла тайёрлаш мавсумини намунали ўтказиш, кишиларда меҳнатга бўлган муносабатни яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида, «Андижон ипак қурти» корхонасида, «Энг моҳир касб устаси» кўрик-танлови эълон қилинган бўлиб, ўтган йилнинг август ойида, мавсумий якун бўйича, I босқич ғолиблари аниқланган эди.

Наврўз байрами арафасида ушбу кўрик-танловнинг II босқичи якунланди. Шартлар бўйича, энг юқори кўрсаткичларга эришган, моҳир касб усталари аниқланиб, уларга Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Ушбу корхонада хизмат қилаётган ишчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилгани натижасида, ўз иш фаолиятини партия дастурий ғоялари билан боғлашга аҳд қилган жонкуяр инсонлардан яна 5 нафари ХДП сафига қабул қилинди.

* * *

Андижон вилояти шошилинч тиббий хизмат марказида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарини ташкил қилишда ХДП бошланғич ташкилоти фаоллик кўрсатди.

* * *

Асака туманида ҳам, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан, партия ташкилотлари томонидан, турли тадбирлар ўтказилди. Жумладан, тумандаги «Илғор» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи, ночор оилалар ҳолидан хабар олинди. Иккита кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишда ҳомийлик қилинди.

* * *

Шаҳрихон туманидаги 15-мактаб-интернатда байрам тадбирининг кўнгилли ўтишида партия кенгаши ўзининг амалий ёрдамини аямади. Чунончи, мактабда сумалак тайёрлаш учун 30 минг сўм маблағ ажратилди. Ўқувчилар ижросидаги куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

* * *

Булоқбоши туман партия кенгаши ҳамда касаба уюшмалари, жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан, умидли спортчиларни аниқлаш мақсадида, бокс турнири ўтказилди. Икки кун давом этган ушбу турнирда, 10 та вазн бўйича, беллашувлар бўлиб ўтди. Ғолибларга туман партия кенгаши ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг, яқинда бўлиб ўтган, навбатдаги пленумида, партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси А. Солиев, мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида, ҳар бир партия аъзосининг 10 тупдан кўчат ўтказиши, тўғрисидаги ташаббус билан чиққан эди.

Ташаббусни қўллаб-қувватлашган, марҳаматлик, 124 нафар партиядошларимиз, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Т. Аҳмедов бошчилигида, Т. Мирзаев номли ширкат хўжалигидаги, ўзлари яшаётган, маҳалла кўчаларига 150 туп тут, 150 туп манзарали дарахт, 1500 туп терак, 1500 туп ўрик, 550 туп хурмо дарахтлари ҳамда 2000 туп атиргул кўчатларини экиб, бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.

* * *

Халқ демократик партияси Челак туман кенгаши, байрам кунлари, туман халқ таълими бўлими ва Ўзбекистон «Маърифатпарварлар» жамияти туман бўлими билан ҳамкорликда, «Олимпиада умидлари-2001», «Шунқорлар» спорт мусобақаларини ўтказди. Қизғин курашлар остида ўтган мусобақалар якунида, ғолиб ва совриндорларга, эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

Самарқанд вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси ҳамда ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан, Жомбой туманидаги 10-санъат мактабида, Мухтор Ашрафий хотирасига бағишлаб, ёш мусиқачилар вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Унда Гўзалкент, Пастдарғом, Тайлоқ, Булунғур, Ургут ва Жомбой туманлари мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирок этдилар. Танловда ғолибликни, асосан, жомбойлик ва булунғурлик ёш мусиқачилар қўлга киритдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК**
матбуот хизмати

ОТАХОНЛАР АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Хатирчи туманида яшовчи 50 нафар нуроний отахонлар Сурхондарё вилоятида ҳарбий хизматни ўтаётган юртдошларини бориб кўрдилар ва улар билан дийдорлашиш асносида суҳбат қурдилар. Отахонлар гуруҳининг ҳарбий қисмга ташрифини уюштиришга Хатирчи туман ҳокимлиги ва А.Икромов агрофирмаси ҳомийлик қилишди.

Агрофирма раиси, Олий Мажлис депутати Эркин Қаҳҳоров бошчилигидаги отахонлар ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан яқиндан танишиб, уларга яратилган шароитдан кўзлари қувониб, диллари равшан тортди. Аскарлар билан бўлган очиқ мулоқотлар отахонларнинг ҳарбий хизматга иштиёқини яна қўзитиб юборганини, уларнинг ўзлари ҳам тан олиб айтишди.

Қисқаси отахонлар ҳарбий қисмдан катта таассуротлар билан қайтишди ва аскарлар саломини миннатдорлик кайфияти ила юртдошларига етказишди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

...БАҲОР КЕЗМОҚДА

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ОЧИҚ ГАПЛАР

МАЪҲҚУЛ БОЗОРГА МАЪҚУЛ КЎРИЛДИ

ёки бир раҳбарнинг аттестациядан икки марта ўтганлиги хусусида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2000 й. 22 июнь. 239 сонли)га биноан Самарқанд вилояти комиссияси 2000 йилнинг 16 август куни мавжуд деҳқон ва буюм бозорларининг раҳбарларини аттестациядан ўтказди.

Хўш, нима бўпти? Яхши-да, қарорнинг ижроси бажарилибди-ку, дерсиз. Йўқ. Аттестация хулосаси ва унинг бир киши учун қайта ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши ғалати. Ҳамма гап шундаки, Ургут тумани «Янги бозор» ҳиссадорлик жамияти раиси Маъҳқул Эгамбердиевга аттестацияда қатнашиш учун туман ҳокимлиги қуйидаги мазмунда тавсифнома (қисқача мазмунини ҳавола қиламиз) берди:

Ургут шаҳар «Янги бозор» ҳиссадорлик жамияти раиси М.А.Эгамбердиевга

ТАВСИФНОМА

М. А. Эгамбердиев меҳнат фаолиятини 1980 йилда Х. Мўминов номли жамоа хўжалигида хўжалик аъзоси сифатида бошлаган... У ишлаган даврда бозорда ободончилик ишлари бошланди. Лекин бозор ҳудудида тартиб-интизом ўрнатишга эришилмади. Бозор ҳудудидан ташқари жойларда савдо ишлари олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлигига тўсқинлик қилмоқда.

Эркин сотувга чиқарилган 4700.0 минг сўмлик акциянинг 900.0 минг сўмлиги сотилган холос. 1999 йил соф фойдадан 810.9 минг сўм дивиденд ажратилган. 810.9 минг сўмлик дивиденд акциядорларга эмас, балки бошқа мақсадларга сарфланган.

Бундан хулоса шуки, М. Эгамбердиевда бозор фаолиятини такомиллаштиришда ташаббускорлик, ташкилотчилик ва талабчанлик қобилияти йўқ. Бундан ташқари манманлиги, ўжарлиги, ҳатто туман ҳокимлиги топшириқ ва талабларини менсимаслиги билан ҳам туман раҳбарияти ва жамоада ўзига нисбатан ёмон таассурот қолдирган.

Туман ҳокимлиги «Янги бозор» ҳиссадорлик жамияти раиси М.А.Эгамбердиев ўз лавозимида тажрибасизлик қилаётганлиги ва мутахассислиги тўғри келмаслигини ҳисобга олиб ушбу вазифада ишлашга нолойиқ деган хулосада тўхтайди.

Ана шу тавсифнома ва раҳбарга берилган саволлардан қониқмаган комиссия аъзолари М. Эгамбердиевни эгаллаб турган лавозимига нолойиқ, деб топди. Шунингдек Оқдарё тумани «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси А. Бурҳонов ҳам аттестациядан ўтмади. Иштихон ва Пастдарғом туманлари «Деҳқон бозор»лари раҳбарлари А. Бозоров ҳамда Х. Мавлоновлар эса шартли равишда аттестациядан ўтишди. Аттестация қароридан боши гангиб қолган Маъҳқулжон тўрт томонга югурди-елди. Йўлини топди шекилли тезда туман ҳокимлигидан янги ижобий тавсифнома олди. Вилоят ҳокимлигига қайта аттестациядан ўтиш ҳақида ариза ёзди.

Бу нуфузли идорада аризани қониқтириш мақсадга мувофиқ топилди. Ўша аттестация комиссияси аъзолари фақат комиссия раиси ўзгарган ҳолда М. Эгамбердиевни ўз лавозимига тиклади. Меъёрий ҳужжат ва кўрсатмаларга амал қилинмади. Йиғилишда ўтирган ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларидан биронтаси: «Бир ой ўтар-ўтмас икки тавсифномага эга бўлган бу кишини нега ноқонуний ишга тиклаяпмиз? Қисқа вақт ичида у шунчалик ўзгардими? Ургут тумани ҳокимлиги тавсифномалар беришда нега беқарорлик қилишди», демади.

Қайта аттестациядан ўтган Маъҳқул Эгамбердиевнинг ишлари аълодир дерсиз. Кошки, шундай бўлса? У бошлиқ жамоа ўтган йил режасини аранг 90,1 фоизга бажарди. Жорий йилнинг февраль ойи режасини эса 83,1 фоизга аранг етказди. Демак, бозорда ишлар ўлда-жўлда, кўнгилдагидек эмас.

Ташвишга тушасан ва ўйланасан киши. Туман ҳокимлигининг иккинчи эмас, биринчи тавсифномаси ҳақиқатга яқиндир-ов...

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МУҲТАРАМ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

Ойда икки маротаба кимошди ҳамда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни биржа савдоларини ўтказади.

Кимошди, танлов, биржа савдоларида якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер майдонлари, автотранспорт воситалари, уй-жойлар, бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган бинолар, банкротга учраган корхоналарнинг мол-мулклари доимий равишда савдога чиқарилади.

Тўловлар сизга қулай усулда амалга оширилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.

БАЛАНС ОАО «ТЕМИРЙЎЛТАЪМИН»

за 2000 год

№/п	Актив	тыс.сум	Пассив	тыс.сум
1	Остаточная стоимость основных средств	29143	Уставный капитал	128519
2	Акции банка	10	Резервный капитал	108247
3	Производственные запасы	166168	Нераспределенная прибыль	72702
4	Денежные средства	55672	Целевые поступления	19769
5	Дебиторы	417312	Кредиторы	339068
	БАЛАНС	668305		668305

ЧИСТАЯ ПРИБЫЛЬ ОСТАВШАЯСЯ В РАСПОРЯЖЕНИИ ОАО «ТЕМИРЙҲЛТАЪМИН» ЗА 2000 ГОД — 24963 ТЫС. СУМ.

UZBEKISTAN airways

ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
27 апрелда

ТОШКЕНТ — ОСАКА

янги халқаро авиайўналишини очмоқда.

Замонавий ва қулай «Боинг-757» ҳаво кемасида бир неча соат ичида сиз 6600 километр масофани кесиб ўтасиз ва ана шу олис орол давлатидаги энг йирик «Кансай» аэропортига келиб қўнасиз.

НУ-525/526 — жума кунларида
Тошкентдан учиш вақти — 22.35 *Осакадан учиш вақти — шанбада, 12.00*
Осакага келиш вақти — 09.55+1 *Тошкентга келиш вақти — 16.25*
(аэропортлардаги вақт маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган)

Янги қатнов туфайли Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муваффақиятли ривожланиб бораётган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланади. Кунчиқар мамлакат чегараларидан бошланувчи Буюк ипак йўли қадимда Ўрта Осиё замини орқали Ўрта денгиз соҳилларига олиб борган. Тошкент—Осака янги қатнови самода қадимги карвон йўлини такрорлаб, мамлакатлар ва халқларни яна яқинлаштиради.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: БУТУН ЖАҲОН – ҚАНОТЛАР ОСТИДА!

Янги қатнов тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Ҳаво алоқалари бош агентлигидан олишингиз мумкин: Тошкент, У. Носир кўчаси, 9-уй. Тел.: 56-38-37.

БАЛАНС ОАО «O'ZMETALLSAVDO» за 2000 года

АКТИВ	тыс.сум	ПАССИВ	тыс.сум
1.ДОЛГОСРОЧНЫЕ АКТИВЫ		1.ИСТОЧНИКИ СОБСТВЕННЫХ СРЕДСТВ	
Основные средства:			
Первоначальная стоимость (01)	106588		
Износ	31416	Уставной капитал	40617
Остаточная стоимость	75172	Резервный капитал	43085
Нематериальные активы:		Нераспределенная прибыль	58900
Первоначальная стоимость (04)	4217		
Износ	147		
Остаточная стоимость	4070		
Капитальные вложения	17668		
Долгосрочные финансовые вложения	55193		
ИТОГО по разделу I	152103	ИТОГО по разделу I	142602
II. ОБОРОТНЫЕ АКТИВЫ		II. ОБЯЗАТЕЛЬСТВА	
Производственные запасы (10)	24609	Авансы, полученные от покупателей и заказчиков	826
Товар	188091		
Расходы будущих периодов (31)	1106	Расчеты с кредиторами:	
		Поставщики	318723
Краткосрочные вложения	12500	Задолженность по бюджету	1237
Денежные средства	20118		
		Задолженность по оплате труда	1700
Расчеты с дебиторами:			
Расчеты с бюджетом	15470	Задолженность по соц. страх	1873
Расчеты с персоналом	2		
Расчеты с дочерними предприятиями	27981	Задолженность по внебюджетному платежу	1017
Прочие дебиторы	1141		
Расчеты с покупателями и заказчиками	24961	Прочие кредиторы	104
ИТОГО по разделу II	315979	ИТОГО по разделу II	325480
БАЛАНС	468082	БАЛАНС	468082

НАВОИЙ ВИЛОЯТ «БАЛИҚЧИЛИК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Навоий вилоят «Балиқчилик» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2000 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши 2001 йил 4 май куни ўтказилади.

Манзил: Навоий шаҳри, Спутник қўрғони, 3-уй.

Йиғилиш соат 11. 00 да бошланади.
Рўйхатга олиш соат 10.30 дан

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув ҳисоботи.
